Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 3 МАРТ, ЧОРШАНБА

№ 15 (6526).
Баҳоси 5 сўм.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг қарори

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий ва саховатли байрами бўлган Наврўзни 1993 йилда кенг нишонлаш учун, шунингдек, миллий урф-одатлар негизида умуминсоний қадриятларни улуғлаш, халқ ижодкорлик қудратини намоён этиш, Ватанга муҳаббат, меҳр-шафқат, юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин. Ташкилий қўмитага бир ҳафталик муддатда байрамни ўтказиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилсин.

Жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар ҳокимларининг шахсан раҳбарлигида шундай ташкилий қўмиталар тузилсин.

2. Республика корхоналари, муассасалари, жамоа ва давлат хўжаликлари, ширкатлар, жамоат ташкилотларига ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, байрам тадбирларини тегишли транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари ва бошқа зарур ашёлар билан таъминлаш вазифаси юклатилсин. Ушбу мақсадларга йўналтирилган сарф-харажатлар уларнинг зиммаларида бўлиши назарда тутилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Маҳалла» ва «Наврўз» хайрия жамғармалари, ижодий уюшма ва бошқа тегишли ташкилотларга жойларда байрам маданий тадбирларини, оммавий спорт мусобақаларини, халқ ўйинларини кенг ташкил этиш, турли кўрик-танловлар ўтказиш тавсия этилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Наврўз байрамида республикадаги барча миллий маданият марказларининг ўз дастурлари билан иштирок этишлари учун зарур шарт-шароит яратиб берсинлар.

5. Наврўз байрами тадбирларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланиши кўзда тутилсин.

«Маҳалла», «Наврўз», ЭКОСАН, Шароф Рашидов номидаги жамғармаларнинг байрам тадбирларини маблағ билан таъминлашда кўмаклашиш борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги пойтахтда байрам тадбирларини ўтказиш муносабати билан бўладиган сарф-харажатларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги тақдим этган молиявий ҳужжатлар асосида Тошкент шаҳар ва республика бюджетлари ҳисобидан тенг миқдорда қопласин.

7. Республика оммавий ахборот воситалари байрам тайёргарлиги ва унинг ўтиш жараёнини кенг ёритсинлар. Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ва «Наврўз» хайрия жамғармасининг 21 март кунига мўлжалланган «Мустақиллик — инсонни эъзозлашдир» шиори остида телемарофон ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

8. Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Республика ташкилий қўмитасига байрамни тайёрлаш ва ўтказиш ишларида фаол иштирок этган барча идора, жамоалар ҳамда фуқароларни рағбатлантириш ҳақида тавсиялар тайёрлаш топширилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 27 февраль.



МУТАХАССИСЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Республика истиқлоли келажакда унинг гуллаб-яшнашига, фаровонлик барқарор бўлишига кенг имкониятларни яратиб бераяпти. Шу маънода бошқа соҳалар қатори Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида ҳам бу соҳани юқори поғоналардан бирига олиб чиқиш учун изланиш, имкониятлар қидирилиб, ҳамкорлик қилиш ишлари йўлга қўйилди.

Чунончи, ҳамкорликда гап кўп, — дейди донолар. Қисқа даврдаги натижалар эса аллақачон ўзининг самарасини бермоқда. Буни Тошкент шаҳридаги 309-лицей мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёдингизда бўлса, бу илм масканининг ташкил этилганлигига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Эндиликда унинг таркибида 300 нафардан зиёд иқтидорли талабалар шарқ ва инглиз тилларини ўрганишмоқда.

Яқинда эса ана шу илм даргоҳида инглиз ва турк тиллари мутахассислари, Истамбул университети турк тили кафедраси ўқитувчиси Маҳамат ҳамда халқ таълими вазирлигига қарашли лицей муаллимаси Элда Тулумлар иш бошладилар.

— Биз бу ерда ўқувчиларнинг қобилиятлари шу қадар кучли эканлигини тасаввур ҳам қилолган эмасмиз, — дейди М. Тулум. — Лекин ўйлаганингни акси ҳам бўлиб тураркан. Илмгоҳда ўқувчиларнинг сабоқ олишлари учун яратилган шароит ҳам жуда маъқул келмоқда. Умуман, Ўзбекистонда турк ва инглиз тилларига бўлган муносабат, шу миллатнинг вакили сифатида бизни қувонтирди.

Лицейдан ташқари Тошкент давлат дорилфунунида ҳам дарс бераяпман, — дейди у.

Хуллас, мутахассисларнинг юртимизга чақирилиши, ҳамкорлик шартномаларига асосан мактаб ва олий даргоҳларда улар ёшларимизга сабоқ бериши, икки юрт кишиларининг бир-бирига бўлган ҳурмати, миллатидан қатъи назар урф-одати, анъаналарини юксалтиришга қўшаётган ҳиссасидан далолатдир.

Ушбу суратларда Маҳамат ва Элда Тулумларни кўриб турибсиз. Улар талабаларга сабоқ беришмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ тасвири.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ТАРКИБИ

Муталов А. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири — ташкилий қўмита раиси

Умурзақов М. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — ташкилий қўмита раисининг ўринбосари

Ёқубов Д. — «Наврўз» хайрия жамғармасининг раиси — ташкилий қўмитанинг масъул котиби

Ташкилий қўмита аъзолари:

Абдуллаев Ш. Ю. — Молия вазирининг ўринбосари

Воҳидова У. — Қизил Ярим Ой жамиятининг раиси

Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг биринчи котиби

Жўраев Х. Р. — Ўздавкинокомпания раиси

Жўрабоев А. — «Халқ сўзи» «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири

Фозилбеков А. И. — Тошкент шаҳар ҳокими

Орзиматов А. — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий қўмитасининг биринчи котиби

Шодиметов Ю. Ш. — Вазирлар Маҳкамасининг бўлим бошлиғи, ЭКОСАН жамғармасининг раиси

Ҳакимов З. А. — Маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи

Темуров Ш. — «Маҳалла» жамғармасининг раиси

Ҳайитбоев Э. Қ. — Ўзтелерадиоэшиттириш компанияси раиси

Муҳаммад Дўст М. — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Бош директори

Убайдуллаев Ш. О. — «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири, Шароф Рашидов номли фонд раисининг муовини

Раҳимов Б. — Ўзбекистон уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси

Раҳимов К. — Алоқа вазири

Алматов З. — Ички ишлар вазири

Қодиров П. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қўмита раиси

Қирғизбоев М. — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби.

Худойбердиева Ҳ. — «Саодат» журналининг бош муҳаррири

Каримов Ш. И. — Соғлиқни сақлаш вазири

Усмонов М. З. — «Ўзбексавдо» уюшмасининг раиси

Волков Г. Г. — «Ўзбекбирлашув» раиси

Юсупова И. Т. — Болалар жамғармасининг раиси

Қаюмов Н. — Қишлоқ хўжалиги вазири

Алламуродов Б. А. — Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси

Шоғуломов Р. Ш. — Ўздевматбуотқўм раиси

Рўзиев С. — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси

Яхёев Ш. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби

Ёқубов О. — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Воҳидов Э. — Ўзбекистон халқ шоири

Орипов А. — Ўзбекистон халқ шоири

Шукрулло — Ўзбекистон халқ шоири

Қориева Б. Р. — Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси раиси

Юсупова Б. А. — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари

Саидов Н. — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари

Халилов А. — Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари

Исроилов Ж. — Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари

Раҳмонов Р. — Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Велинский Л. — Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари

Дадажонова Д. — Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари

Худойқулов А. — Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари

Ғуломова С. — Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Ражабова Л. — Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Ҳамидов Ҳ. — Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари

Маҳмудов М. — Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари

Жуманиёзов М. — Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари

Жалилов Ш. И. — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари

СИНФ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ

Қамаши туманидаги Лутфий номли 42-ўрта мактаб синф раҳбарларининг услубий кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида мактаб ва оила ҳамкорлиги масаласи бош мавзу қилиб олинди. Кенгашда синф раҳбарларидан Ф. Карорматов, Т. Асадуллаев, Э. Холмўминовлар ўзлари раҳбарлик қилаётган синфларда олиб бораётган ишлари тўғрисида ҳисобот бердилар. Йиғилишда сўзга чиққан ўқитувчилардан А. Раҳимов, Ҳ. Равшанов, М. Маматов, Р. Аминовлар мактабнинг бугунги муаммолари, жамоа олдида турган вазифалар хусусидаги фикр ва мулоҳазаларини ҳам билдирдилар.

Ўролбой ҚОБИЛ.
Қашқадарё вилояти.

ЗОКИР НАФАҚАСИ

Боғдод туманидаги иқтидорли ўқувчилар лицейида Зокир нафақаси таъсис этилди. Ўтган ойда 7-синф ўқувчиси Шуҳрат Деҳқонов 150, 6-синф ўқувчиси Маъсуд Мақсудов, 8-синф ўқувчиси Дониёр Муҳаммадалиевлар 100 сўмдан стипендия олишди.

Зокир деганлари бирорта бизнесмен ёки дўкон мудири, хорижлик ватандошимиз, деб ўйлаган бўлсангиз керак. Йўқ, асло. Зокиржон Сиддиқов ҳар иккисиям эмас. У киши ҳалол яшаш мумкинлигини исботламоқчи бўлган ва бунга тўла эришган кишилардан.

— Пулим ошиб-тошиб ётгани йўқ, аммо жамиятимиз тараққиёти учун шу болалардан умидим бор: улардан бир нарса чиқади. Қисқаси, пул бекорга кетмайди... Бу бевафо дунёда инсонларга яхшилик қилиш керак, — дейди Зокиржон.

Муҳаммад СОДИҚ.

Ҳамкорлик қирралари

Мустақиллик шарофати туфайли Ўзбекистон Республикасининг барча мамлакатлар билан дўстона алоқалари кундан-кунга кенгайиб бораяпти, халқаро ҳамкорликнинг турли йўналишларида ҳар хил масалалар муҳокама қилина бошлади. Жумладан, мактаб, маориф соҳасида ҳам сезилари ўзгаришлар рўй бераётир.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонга ташриф буюрган Қувайт, Ҳиндистон, Сурия, Хитой Халқ Республикаси маориф ходимлари, ЮНИСЕФ, Жаҳон Банки, Жаҳон корпуси вакиллари делегацияларидан ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари хусусида гаплашиб олинди. Туркия, Афғонистон, Корея Республикаси, МДҲ аъзолари бўлган мамлакатлар миллий таълим вазирликлари билан ҳамкорлик тўғрисида узоқ муддатли шартномалар имзоланди. 1993 йилда Германия, Ҳиндистон, ХХР, Франция давлатлари билан ҳам ана шундай битимларни имзолаш кўзда тутилмоқда.

Озарбайжон, Белорусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳам таклиф қилинганлар. Барча республикалардан танлаб олинган қарийб 1200 нафарга яқин ўқувчи Америка ҳукумати ҳамда «Эркинликни қўллаб-қувватлаш битими»нинг 1993 йилги мактаб дастури маблағлари ёрдамида таълим олишади.

Айни кунда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тавсия этган инглиз тили чуқур ўргатиладиган 21 та мактабда кўрик-танлов усулида иқтидорлиларни саралаш бошлаб юборилди. Дастлаб мактаб жамоаси ўз ўқувчилари орасида инглиз тилини мукаммал биладиган 15 нафар аълочи, одобли ўғил-қизларни ажратиб олди. Улар ўз навбатида

АМЕРИКАГА КИМЛАР БОРАДИ?

Эзгу ишнинг муқаддимаси ўрнида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг АҚШ Таълим вазирлиги билан ўзаро ҳамкорлик шартларининг белгиси сифатида 1993/94 ўқув йилидан бошлаб тест саволларидан ўтган юқори синф ўқувчиларидан бир гуруҳи АҚШ мактабларида таълим олиш учун жўнаб кетадилар. Ҳозир унга тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

Мухбиримизнинг айнан шу хусусдаги саволларига иқтидорли талабаларни танлаш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бош мутахассиси Ҳайдарали Юнусович Ҳакимжонов жавоб беради.

— Муштарийларимизга АҚШнинг 1993 йилги «Эркинликни қўллаб-қувватлаш битими» мактаб дастури ҳақида сўзлаб бersангиз.

— Америка Қўшма Штатлари таклифига биноан кўрик-танловдан ўтган ўзбекистонлик ўқувчиларнинг бир гуруҳи 1993-94 ўқув йилидан бошлаб Америка илм масканларида ўқийдилар. Шунингдек, у ерга Арманистон, АҚШ вакиллари томонидан ўтказиладиган тест синовларида қатнашадилар. Бундан ташқари шу 15 ўқувчи турли ёзма анкета саволларига жавоб ёзадилар ва улар билан мулоқот шаклида оғзаки суҳбат ўтказилади.

Танлов АҚШ элчихонаси ҳамкорлигида 1993 йил апрель ойигача давом этади. Кўрик-танловни АҚШнинг АСПРЯЛ/АКСЕЛС — «Таълим ва тил ўрганишда ҳамкорлик қилувчи Америка консуллиги», Сороса жамғармаси, «Жаҳон маорифи», «Ёшлар бир-бирларини тушуниш — халқаро тажриба алмашув» ташкилотлари ўз зиммасига олганлар.

Тест натижалари ва сўров варақалари Америка Қўшма Штатларига юборилади ва таълим тизими вакилларидан иборат мустақил комиссия томонидан танлаб ажратилади. Ғолиб чиққан ўқувчи-номзодлар май ойида эълон қилинади, сўнгра ҳужжатлар расмийлаштирилади. Ғолиблар Америка оилаларида яшайдилар ва икки йил ўқиганларидан сўнг Ватанларига қайтишади.

— Ҳайдарали ака, ўзингиз билан ҳамкорликда ишлаётган америкалик ёш ватандошимиз — АСПРЯЛ/АКСЕЛС ташкилоти вакили, ўзбек қизи Munаввархоним Олгун ҳақида газетамиз мухлисларига қисқача маълумот бersангиз.

— Munаввархоним Олгун Туркияда таваллуд топган. Падари бузруквори тижорат ишлари билан шуғулланган учун оиласи билан Америкага бориб қолганлар. Munаввархоним оилада бешинчи фарзанд. Нью-Йорк университетида 4 йил таҳсил олиб, бакалавр даражасини олган. Ҳозир магистрликка ўқийди. Айни пайтда АСПРЯЛ/АКСЕЛС ташкилоти вакили сифатида иқтидорли болаларни танлаш учун Ўзбекистонга келган. Унинг айтишича, АҚШдаги таълим уч босқич (1—6, 6—9, 9—12-синф)ли бўлиб, илм масканларида 12 та фан ўтилади, холос.

— Munаввархоним, «Америка — сеҳрли диёр» дейишади. Шу иборани шарҳлаб бера оласизми?

— Сиз тилга олган таърифни шоир ва ёзувчилар айтган бўлиши мумкин. Америка оламининг ўзига хос муаммолари ҳам мавжуд. Бундан кўз юмиб бўлмайди... Мен мактаб ўқувчилари билан суҳбатларда бўлганимда, Америка ҳақида ҳеч бир бўрттиришларсиз тасаввурга эга эканлигини билдим.

— Ҳайдарали ака, албатта, хорижга бориб ўқиш ҳар бир талаба учун ўзга оламни кашф этиш демакдир. Ҳар ҳолда Америкага бориб ўқиш учун давогарлар кўп бўлаётгандир?

— Ҳа, жуда кўп. Масалан, Тошкент шаҳридаги 17-илм масканида таълим олаётган 1200 нафар ўқувчининг 50 фоизи, шу мактабнинг 9—10—11-синф ўқувчиларидан 500 нафарга яқини инглиз тилини мукаммал билади. Шундан 15 нафар иқтидорли болани танлаб олишнинг ўзи бўлмайди. Аввал эслатганимиздек, улар ўз навбатида тест синовларидан ўтадилар.

— Тошкент шаҳри ҳамда вилоятида иқтидорлиларни саралаш юмушлари тугалланиш арафасида. Энди вилоятларда қачон бўласизлар?

— Ҳамал ойининг биринчи ярми охирларида сафарга чиқамиз. Вилоятларда ҳам бизни кўп, кенг қиррали фаолият кутяпти. Гапнинг индаллосини айтганда, Америкага иқтидорлиларнинг иқтидорлиси, муносибларнинг муносиби боради.

Қ. МАТҚУРБОНОВ
суҳбатлашди.

СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ

Мазкур Концепция Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ олимлар гуруҳи ва Халқ таълими вазирлиги ходимлари томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳужжат тайёрланишида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги илмий-педагогик фан ютуқларидан, республика олимлари, илғор педагоглар ишларидан ҳамда халқ таълими ходимларининг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланилди. Концепциянинг лойиҳаси ўқитувчилар кенг жамоатчилиги, Қорақалпоғистон ХТВ, вилоятлар ХТБ ва Тошкент ҳокимияти ХТББсида муҳокама қилинди.

I. СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЗАРУРАТИ

Ҳаётга янгича сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндошиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараённи ҳам қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Янги демократик мактаб бир хилликдан қочиб, ўқитувчи ва ўқувчига турли даражадаги ишларнинг турлари ва йўналишларини танлаб олишни, болаларга таълим беришнинг табақали шакл ва услубларини таклиф этмоқда. У амалига қараб ҳурматлаш шароитларидан, катталар ва болаларнинг бир-бири билан ҳамкорликда қиладиган муносабатлари томон ўтиш шароитини яратади, бирон-бир тарбия тизимини бошқа, янгиси билан алмаштиради, мактабни мактабдан ташқари муассасалар, спорт ва жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, ижодий уюшмалар, оилалар билан очиқчасига ҳамкорлик ва алоқа қилиш қоидаларини эътироф этмоқда.

Ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш эса тарбия ишининг ягона тизимини яратади. Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ташкилий иш шаклларини, унинг мазмуни ва мақсадини белгилашда бугунги кунимизнинг барча қирраларини ҳисобга олиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви ҳам анъанавий бўлган таълим ва тарбиянинг миллий шаклларининг янада ривож топишида катта имкониятлар очиб берди. Ўсиб келаётган ёш авлодни бу анъаналар руҳида тарбиялаб, таълим берилса, республикамизнинг асрий маданий ва илмий ютуқларига таяниб иш кўрилса, халқнинг урф-одатлари, анъаналарининг тикланиши туфайли бугунгача ўрганиб келинган тарихимиз, маданиятимиз ва она тилимизга муносабатлар илдизи янада чуқурлиги ойдинлашади. Шу боис тарбия жараёнининг миллий шаклуслубларини чуқур ўрганиш ва уни қайта тиклаш ишларини жадаллаштириш ҳам зарур, ҳам шу куннинг талабидир. Бу ишларнинг самарадорлигини оширишнинг тўғри танлаб олинган асосий йўналишларидан бири — шахснинг шаклланишидир. Синфдан ва мактабдан ташқари мазкур тарбиявий ишлар Концепцияси шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилган.

Республика халқ таълими синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб боришда катта моддий манбага эга. Ўзбекистонда 8300 дан ортиқ кундузги мактаблар мавжуд бўлиб, уларда тўрт миллион 660 минг нафардан зиёд ўқувчи билим олмоқда, 548 мактабдан ташқари муассаса эса 357,5 минг ўқувчини қамраб олган. Билим муассасалари 400 мингга яқин педагогларни бирлаштириб турибди, улар тарбиявий ишларни самарали ташкил этишда етарли маҳоратга эгалар. Шунингдек, ХТВ тизимидан ташқари ташкилот ва муассасалар қошида ҳам қатор тарбиявий ишлар шохобчалари борки, уларнинг фаолияти ўқувчи ёшларнинг оёққа туришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бироқ таъкидлаш керакки, асосий камчиликларидан бири, ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси ўчоғи бўлган мактабда тарбия жараёнига таълимга қўшимча бир нарса сифатида қаралаётганидадир.

— Тарбиявий жараённинг бир хиллиги ва бир меъёрга солинганлиги оқибатида «Шахс» тушунчаси қандайдир, барча учун мажбурий бўлган сифатларининг сийқалашган йиғиндисига айланиб қолди:

— ҳар бир боланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаслик, олдиндан тайёргарлик кўриб қўйиш, ўтказиладиган тадбирларнинг бир қолипдалиги, усти ялтироқ ички қалтироқ бўлгани учун тезда унитиладиган самарасиз тадбирларнинг натижаси — тарбиядаги расмиятчилик;

— тарбиядаги сафсатабозлик, катталар томонидан ўқувчиларни ўзлари истаган ҳолда дам олишларининг турли шаклларини танлаш имкониятларидан маҳрум қилиниши;

— ўқиш ва тарбия жараёнига икки айрича қараш, уларни бир-биридан ажратиб қўйилганлиги;

— барча турдаги болалар ва билим юртларида ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишдаги ворисликнинг бузилганлиги;

— ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясида билим юртлари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириб боришнинг бўшлиги.

Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, олий ўқув юртлари, ёш техниклар марказлари, табиатшунослар, саёҳатчилар марказлари, ўқувчилар уйлари ва саройлари тарқоқ ҳолда ишлаб келганлар ва ҳозир ҳам кўп жойларда шундай давом этаётганлиги, шу боис тарбиянинг мажмуий жараёни самарадорлигини йўқотмоқда.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар концепциясини ишлаб чиқишнинг зарурлиги тўғрисидаги асосий сабаблар — сиёсий тузумнинг ўзгарганлиги, янгича иқтисодий муносабат шароитларидан ташқари, билим юртлари, оилалар ва тарбиявий жараён билан боғлиқ ички сабаблар ҳам мавжуд. Тарбиявий ишни яхшилаш, уни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун тарбиянинг асоси бўлган деярли барча принципларни, йўлларни, ғояларни қайтадан кўриб чиқишимиз, бола шахсига асосий эътиборни қаратишимиз, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланишимиз зарур.

II. ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР.

Инсонни унинг атрофини қуршаб турган воситалар: оиласи, ота-онаси, мактаб, дўстлар, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар тарбиялайди. Боланинг ривожланиш жараёнини бошқариб бориш керак. Инсонни биологик ижтимоий асосини ташкил қилувчи, ўзини тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда, уни шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан ҳимоя қилиш лозим.

Тарбиянинг етакчи мақсади сифатида асрлар давомида шахснинг ҳар томонлама камолотга эришуви ғояси асос бўлиб келади. Шахснинг ҳар томонлама камолотга эришуви, бу унинг айрим қирралари ёки хислатларининг тўлақонлилигини, жисмоний, ахлоқий, сиёсий, эстетик қарашлари йиғиндисини ўз ичига олади. Жумладан:

— ёшларни фалсафий дунёқарашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишда кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

— ўқувчиларни умуминсоний ва ватанимиз қадриятлари, бой маданияти билан ошно қилиш, маданий ва диний билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малакаларини ошириш, уларни тобора бойитиш, эстетик тушунчаларини шакллантириш;

— ҳар бир ўсмирнинг, йигит ва қизларнинг табиий билимдонликларини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш. Инсон фаолиятини турли соҳаларда жорий қилиш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

Инсонпарварлик ахлоқи меъёрларини шакллантириш (меҳрибонлик, бир-бирларини тушунадиган, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларига тоқатсизлик), муомала одоби, знёлилик маданияти каби тарбия чоралари (ноҳақликка, ёлғончилик, туҳмат, чақимчиликка тоқатсизлик) кенг қўлланиши лозим;

— қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш йўлида ғамхўрлик, экологик тарбиялаш;

— ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, маданият арбобларига бўлган алоҳида муносабат ва уни ўрганиш, ўз халқига, давлатига унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш. Ёш авлодни Ўзбекистон Мадҳиясига, Байроғига, Гербига, Конституциясига, Президентига садоқатли қилиб тарбиялаш;

— турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий муносабатни тарбиялаш, меҳнатга ижодий ёндашиш тадбирларини кучайтириш, ижтимоий мақсадларга интилиш каби хислатларини тарбиялаш, амалий муносабатлар — тадбиркорлик, тўғрисўзлик ва масъулият ҳиссини тарбиялаш;

— соғлом турмуш тарзи учун интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлишга интилиш. Ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатига ва уларнинг оқибатига масъулият билан қараш хислатларини тарбиялаш учун шароит ҳозирлаш. Инсонни атроф-муҳитга таъсири, одамларни ва ўзаро муносабатларида юқоридагиларга амал қилиш руҳида тарбиялаш;

— мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо беришга ўргатиш. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички сиёсатига аралашмаслик, бетарафлик, ошкора — очиқ ташқи сиёсати ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, уни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунмоқ ва тушунтирмоқ керак.

Тарбиянинг асосий тизими қуйидагилар бўлиши лозим:

— тарбияда улғаяётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлиги эътиборда тутилиши зарур;

— миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш. Лекин тарбиянинг миллий «бўёқдорлиги» ёш авлод яшаши лозим бўлган кўп миллатли ва жаҳон маданияти бойликларига қизиқишларини, интилишларини инкор қилмаслик лозим;

— ўқувчилар ҳаётий фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш. Бола, ўсмир, йигит ва қизлар билим юртидаги пайтида нафақат бўлғуси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар. Зарур, қизиқарли, тўлақонли, болалар ёш жиҳатларига мос ҳаёт иқлимини яратиш, меҳнат, хайрия, ижтимоий-фойдали, ижодий-кўнгилочар ва шунга ўхшаш тадбир ташкил этилиши лозимки, натижада ўқувчилар кўнгилларни тусаган ишга қўл урсинлар, муваффақият ҳиссини туйиб, ўзларига ишончлари ортсин, ахлоқан барқарор бўлсин;

— шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқувчилар ўртасидаги бир-бирига ҳурмат муносабатлари, болалар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш.

Бу масалаларнинг барини зарур шароитлар юзага келтирилган ҳолдагина, таълим ва тарбия жараёни қўшиб олиб борилган тақдирдагина амалга ошириш мумкин.

Шунга аҳамият бериш лозимки, амалда тарбиявий жараён умумиши ва узлуксиз бўлсин, барча ёшдаги болаларни қамраб олсин, мажмуий (инсон ҳаётий фаолияти барча жиҳатларини акс эттирувчи, турли услубларни ўзаро боғлаб турувчи, унга таъсир ўтказувчи, ривожлантирувчи, йўлловчи воситалар, умуман, тарбиянинг барча томонлари ҳамоҳангликда) тарзда бўлсин, турли ижтимоий, жамоат ва давлат институтлари ва муассасаларининг шахс камолотини шакллантириш борасидаги ҳаракатлари мужассамлашсин.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ўқувчилар қизиқишига суянилган ҳолатда уларнинг дарсдан бўш вақтларида ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтиради. У ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари услубини ўзлаштиришларига, ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Синфдан ташқари ишларнинг ўзига хослиги шундаки, у ўқувчиларнинг бўш вақтларини мувофиқ услублар воситасида жамоат фойдаси учун оммавий, гуруҳ, алоҳида иш шакллари ва услубларини ташкил этади. Тўғарак, клуб дастурларининг ранг-баранглиги, улар мазмунидаги янгиликлар ўсмир йигит ва қизларнинг шахс сифатида шаклланишлари учун янги имкониятлар яратади.

III. СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ МАЗМУНИ, УСЛУБ ВА ШАКЛЛАРИ. ҲАҚИҚИЙ ФУҚАРОНИ ТАРБИЯЛАШ

Фуқаролик ўз давлатига нисбатан ҳуқуқлар ва бурчлар билан боғланган, у яшаш ва ахлоқ меъёрларига онгли риоя этишни, меҳнат ва жамоада фаолликни, маънавий етукликни назарда тутади.

Фуқароликнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардир:

— сиёсий онглилик ва ижтимоий фаоллик, яъни давлатнинг ички ва халқаро сиёсати қоидаларини тушуниш ва идрок қилиш. Ўз халқининг тинчлик учун курашдаги ўрнини тушуниш. Ватанпарварлик ва байналмилалликни ҳис қилиш. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга шайлик;

— халқ, давлат олдидаги фуқаролик бурчи, яъни қонунчилик тарзларини, ўзининг Ватан олдидаги ҳуқуқ ва бурчларини билиш, уларга қатъий амал қилиш. Қонунчилик, умумбашарият ахлоқ меъёрлари бузилишига муросасиз муносабатда бўлиш.

ШАХСНИНГ АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ

Ҳозирги жамиятда ахлоқий ва маънавий инқироз тарбиявий ишларни ўсмирлар орасида кучайтириш зарур эканлигини кўрсатиб турибди. Ахлоқ йўқ экан инсон ижтимоий онгсиз, ижтимоий шахс ҳисобланмайди. Шунинг учун ахлоқий тарбия шахснинг ҳар томонлама ва эркин шаклланишида асосий таркибий қисм ҳисобланади.

Ахлоқ — ижтимоий онгнинг шундай шаклларидан бирики, у инсонларда ҳаёт мазмуни ва мақсади, бурчи, ғоялар, бахт, диёнат, яхшилик, ёвузлик, ҳақ ва ноҳақлик тўғрисида таассурот уйғотади.

Ахлоқ ўз-ўзини идора этишнинг қоидалари ва меъёри, ўзаро мулоқотда кишиларнинг намоён бўлиши, аниқ ахлоқий қоидалар, қарашлар ва меъёрлар билан даражаланадиган шахс фаолиятидир. Бундан ташқари, ҳаётдаги оддий қонун-қоидалар ҳам ахлоқий тарбия мазмунини ташкил қилади: катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, беморларга ғамхўрлик ва ҳоказолар. Ахлоқийликнинг ушбу оддий меъёрлари ўз мазмунига кўра умуминсоний бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Мактаб, мактабдан ташқари муассаса тарбиячилари жамоаси олдида ўқувчиларга умуминсоний ахлоқ қоидалари асосида ҳаёт кечиришни ўргатишдек асосий вазифа туради, муносиб ҳаёт йўли танлаш вазиятларини ишлаб чиқаришлари зарур. Бунинг учун тараққийпарвар халқ тарихий ва маданий анъаналари, урф-одатларидан фойдаланиши зарур. Ўзбек ва бошқа халқлар бой оғзаки ижоди, Шарқ донишмандлари мероси шулар жумласидандир.

Мактаб, мактабдан ташқари муассасаларда ўқувчиларнинг ахлоқий ўзини идора этишини жамоа ҳаёти асосида йўналтириш зарур. Барча тарбиявий иш билим, ҳаракат, мақсад, сўз ва иш бирлиги асосида олиб борилиши керак.

Фанни ўрганишга муҳаббат уйғотиш, билимга ташналик фазилатлар ахлоқий тарбиянинг ажралмас таркибий қисмидир. Болаларнинг ўқишдаги муваффақиятидан унинг гуруҳдаги ўрни аниқланади, атрофдагиларнинг у билан муносабати белгиланади, ўқишдаги муваффақият — бола ахлоқий тарбиясини юқори даражага кўтаради.

Ўқувчилар тарбиявий иши жараёнида «оғзаки журнал» баҳс-мунозара, ўқувчилар анжуманлари, ўқувчилар танлови, таниқли кишилар билан учрашувлар ва турли фаолиятлардан ибрат шакл ҳамда услублардан фойдаланиш зарур.

Эндиликда ҳаётимизда диний қарашлар сезиларли аҳамият касб этмоқда.

Тарбия муассасаларида умуминсоний қадриятлар доимо диққат марказида бўлиши ва уни амалга ошириш учун шахс эркинлиги ва демократияни ҳимоялаш ҳар бир кишининг асосий вазифасидир. Миллий маданият ривожида, ахлоқ, инсонпарварлик, эътиқодлилик, яхшиликка садоқат ва табиат мукаммаллаштириш ва ривожлантириш воситаси эканлиги тўғрисида тушунча уйғотиш зарур.

ВАТАНПАРВАР ВА БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Ёшларни ватанпарварлик ва байналмилаллик руҳида тарбиялашга замонавий нуқтаи назардан ёндашиб, унга жамият янгиланишининг моҳияти бўлган демократия, инсонпарварлик, мавжуд ва янги туғилаётган миллий-маданий анъаналар, умуминсоний қадриятлар асос қилиб олиниши керак. Булар ўз навбатида янгича тарбиянинг ўзига мувофиқ услуб ва шаклларини тақозо этади.

Ўзбек халқининг маданий меросини ўрганишда ва ривожлантиришда унинг миллий ўзига хослиги, этнопсихологик ва этник маънавий хусусиятлари ҳисобга олиниб, халқ педагогикаси анъаналарига суянган ҳолда иш кўрилади. Байналмилал компонент умуминсоний қадриятлар билан узвий боғлиқдир.

Инсоният жамиятига муҳаббат, табиат муҳофазаси, маданий ёдгорликларни сақлаш, умуман, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳурматлаш, жаҳон иқтисодиётини байналмилаллаштириш, қашшоқликка қарши кураш, саводсизлик, урушларни бартараф этиш, энергетика иккирози муаммоларини ҳал этиш, фан ва техника ютуқларидан инсонпарварлик мақсадларида фойдаланиш инсон ҳаётининг давомийлигини кўрсатади.

Умуминсонийлик — бу барча инсониятга хос бўлган, унинг маданий ва миллий хусусиятлари кўп қирралигидир. Яъни, турли миллат вакилларига ҳурмат, ўзгача фикрловчига тоқат қилиш, турли динлар ва бошқа маданиятларнинг ўзига хослигини тан олиш, қадриятларнинг «бегонасини» ҳам ҳурматлаш керак.

Бу жараёнларда етакчи вазифалардан бири — миллатлараро муносабатлардаги гармонизация асос бўлиб хизмат қилади ва ўша умуминсоний қадриятлар қўллангандагина бу жараён ривожланиш босқичига чиқади.

Ўқувчиларда энг аввало, ўз халқининг миллий-маданий меросига, тилига, анъана ва урф-одатларига, шунингдек, бошқа халқларнинг маънавий бойликларига бўлган қизиқишларини тарбиялаш лозим. Бунда унинг билим доирасини кенгайтиришга, турли халқлар маданияти билан таништиришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Токи ўқувчилар бошқа халқларнинг жаҳон миллатлари ҳамжамиятига қўшган ҳиссасини тўла тушуниб олишсин.

Ўзбек халқининг ва бошқа халқларнинг энг илғор анъаналарини, яқин ўтмишда пайдо бўлган «Ҳосил байрами», «Пахта байрами», «Хотира куни», «Наврўз байрами» каби халқ маросимлари тўғрисида алоҳида-алоҳида тушунча бериш зарур.

Ўқувчиларнинг ватанпарварлик ва байналмилаллик тарбиясини республикамиз олдида турган масалалар ва аниқ белгиланган вазифалар билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириш зарур. Ҳар бир ўқувчи Ватан муваффақиятида ўзининг ҳам шахсий ва масъулиятли вазифалари борлигини тўла идрок этсин. Кундалик тарбиявий ишларда ўқувчиларда шундай фикр зарурки, республика мустақиллиги шароитларида унинг муаммоларини ўзиникидек қабул қиладиган бўлсин. Уларнинг оғирлигини ўз елкасига оладиган, мумкин қадар Ватанга фойда келтирадиган шахс бўлиб улғайсин. Бугунги кунда олиб борилаётган, кўзда тутилган барча янгиланиш жараёнлари, иқтисодий-ижтимоий, маданий соҳалардаги туб ўзгаришлар ҳамманинг фидокорона хизмати туфайлигина юзага келишини тушунсин.

Мустақил Ўзбекистон ўз сиёсатини фуқаролар тинчлиги ва миллий келишувчанлик асосига қурилганини эълон қилди. Бу мақсадга эришмоқ учун мактабларда тарбиявий ишларда ҳар бир миллат ва элатларнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти, ўзлигини англаш даражаси ўсиши каби қонуний ҳодисага аниқ дуч келишдан кўз юмиб бўлмайди.

Ўзининг миллий маданиятига беқиёс муҳаббат, ўз халқи тарихига ҳурмат бошқа миллат вакилларига қалондимоғлик ва беписанд назар билан қараш ҳуқуқини бермаслигини ўқувчиларга мунтазам тушунтириб бориш лозим. Ҳеч қандай миллий анъаналар кимнингдир ориятига тегмаслиги ва душманлик муносабатларини уйғотмаслиги керак. Дўстлик ҳар нарсадан устун туради. У самимий, беғараз ва мулойим тарзда бўлади. Ўзгалар ютуғини ҳам ўзиникидек ардоқлайдиган одамларгина шундай фазилат эгаларидирлар.

МЕҲНАТСЕВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Жисмоний меҳнатга ҳамда ақлий меҳнатга бирдай ҳурматда бўлиш каби хислатларни шакллантириш ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясидаги энг муҳим вазифаларидан биридир.

Республикада бозор шароити шаклланаётган бир кезда, ўқувчиларни турмушга ва меҳнатга янгича муносабатли, лаёқатли қилиб тайёрлаш — меҳнат тарбиясининг асосий мақсадларидан биридир.

Қишлоқ мактаби ўқувчилари шаҳарлик тенгқурларига нисбатан бозор муносабатларини тезроқ англаб олмоқда. Бу улар учун одатий ҳол, янгилик эмас. Қишлоқда улар нафақат томорқаларда ва ижарага олинган участкаларда, жамоа ва давлат хўжалиги далаларида маҳсулот териш ва сотиш ишларида банд бўладилар. Хўжаликни ривожлантириш, фойдани қаерга ишлатишда ҳам иштирок этадилар. Бу борада қатъий бир ташкилотчилик сезилмаса-да, ҳар қалай қишлоқ ўқувчиси анчагина тажрибага эга.

Аммо шаҳарлик аксарият ўқувчиларнинг бу соҳадаги фаолияти чекланган, чунки у ишлаб чиқаришда жуда кам иштирок этади, асосан истеъмолчи бўлиб қолган. Шунга қарамай уларни бозор шароитларига ўргатишнинг бир қатор усуллари мавжуд. Бунинг учун ишлаб чиқаришнинг асосий шаклларини, айниқса, уларга таниш хизмат турларини белгилаб олиш даркор.

Ўқувчиларни бозор шароитларига ўргатишнинг ўзи уларнинг фойда олиш ҳақидаги амалий билимларни бойитади (исталган усул билан эмас, албатта, балки ҳалол ва фидокорона меҳнат туфайли эришиладиганини).

Болаларни жамоа бўлиб, ҳамкорликдаги меҳнати натижасида маҳсулот сони ва хизмат турларини ошириш сари йўналтириш лозим. Болаларнинг қурилиш майдончалари, ёрдамчи йиғим-терим отрядлари ва бригадалари сафларида, ҳунармандчилик билан шуғулланадиган гуруҳларда, халқ амалий санъатида, беморларни парваришлаш ва нафақахўрларга хизмат кўрсатиш ширкатларида, савдо-сотиқ бригадаларида, почта хизмати кўрсатиш бўлимларида, ҳовлиларни ва кўча-кўйларни тартибга келтиришда, саноат корхоналарида, илмий-текшириш институтларида, ҳисоблаш марказлари, касалхоналар ва мактабгача тарбия муассасаларидаги ишларини алоҳида қувватламоқ лозим. Бу ишларнинг барида фойда топиш малакасини оширмоқ, ўқувчилар ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, камоматнинг қандай ҳосил бўлишини, банкрот (синиш) ва бошқа бозор ҳодисалари нималигини билиб қўйишлари, умуман, бозор фалсафасининг негизини тушуниб қўймоқлари шарт. Бозор муносабатлари бугунги кунда жаҳонда тан олинган моддий барқарорлик ва одамларнинг иқтисодий фаолияти рағбатлантирилиб турадиган бирдан-бир восита эканлигини англамоқ керак. Бу муносабатлар юқори кўрсаткичларга эришиш учун қатъий интизомга, мусобақага, техник ва иқтисодий билимли, малақали мутахассисларга, ишни тўғри ривожлантиришга асосланади. Бола бозор қарамақаршиликларини ва уларни бартараф этиш йўлларини ҳам топа билиши керак.

Бугунги кунда мукаммал иқтисодий тарбиясиз иш қилиб бўлмайди. Шу боис ўқитувчи, синф раҳбари, мактабдан ташқари муассаса ходимларидан нафақат билим бериш, балки ўқувчиларда иқтисодий фаолият малакасини уйғотиш, бозор муносабатларида мустақил фикрлашга ўргатиш лозим бўлади. Болаларга савдо ва хизмат соҳасидаги янги иқтисодий термин ва тушунчалар, уларни қандай ишлатиш кўникмаларини беришлари лозим.

Ишга ижодий ёндашувнинг ривожи, топқирлик, ихтирочилик, ишбилармонлик, фаоллик ва ташаббус туфайлигина юқори самара берувчи фойда юзага келиши мумкинлиги тушунтирилса, ўқувчилар иқтисодий фаолият жиҳатидан муваффақият қозонади.

Мактаб бирлашмалари ва ширкатлари фаолиятини назорат қилиш, мактабнинг ўзини ўзи бошқаруви орқали олиб борилади. Болалар меҳнат бирлашмалари, ширкатлар ва корхоналардан даромат фақат уларга иш ҳақи сифатида тўланмай, балки мактаб бюджетига, жамоа тузилмалари жамғармасига ҳам ўтказилади. Сўзсиз уларнинг бир-бири-ҳофазасида диннинг аҳамиятини чуқур англамоқ даркор. Жамиятда диннинг таъсири ортиб борар экан, ёшлар билан ишлашда динга муносабатни тўғри шакллантириш, уларга динни умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида тушунтириш лозим. Болаларда динни алоҳида дунёқараш, билимни эса ҳаётни мукаммаллаштириш ва ривожлантириш воситаси эканлиги тўғрисида тушунча уйғотиш зарур.

ни қўллаб-қувватлаш, меҳрибонлик, ҳомийлик, ёрдам каби фуқаролик эътиқодлари ва фазилатлари шакллантириб борилади.

Бозорнинг ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлари — бу инсоний ахлоқ меъёрларининг ўзгинасидир. Булар — ҳаллоллик, берилган сўзнинг ишончлилиги ва қатъийлиги, батартиблиги, ижрочилик, мажбурий меҳнатни ташкил этиш, кредит ва қарзларни қоплаш, брокер (воситачи)лик ишларини олиб бориш, хушмуомалалик, шерикка, истеъмолчига бўлган ҳурмат ва ҳоказолар. Буларнинг бари ўқувчига сингдирилиши лозим.

Мактабда ривожланган назоратли, бозор муносабатларини ташкил қилиш бўлғуси бизнесмен (корчалон) ва ишбилармон кишиларни шакллантириш, уддабурон хўжалик юритувчи, иқтисодий фикр ва мушоҳадаси ривожланган одамни тайёрлаш имконини беради. Меҳнат тарбиясида болаларни тизимли иқтисодий билимлар билан қуроллантириш, иқтисодий қонунлар ва қарама-қаршиликлардан оқилона фойдалана оладиган қилиб тарбиялаш жуда муҳимдир.

Бу ишларнинг ҳаммаси самарали касбга йўналтириш ишларини таъминлашга қаратилган бўлиб, касб танлаган ўсмирга ёрдам бериш ва унинг маҳоратини, иқтидорини намоён этиши лозим.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Экологик тарбия — атроф-муҳитга, оламга, одамга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига муҳаббат ва эҳтиёткорона муносабатларни шакллантириш заруратидир. Табиатга маънавий етук муносабатни уйғотиш табиатшунослик, маънавий, ахлоқий, эстетик, экологик билимларга эга бўлишни тақозо этади. Мактаб ўқувчилари табиатни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган маълумотномаси — табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, атмосфера ва атроф-муҳит тозалигини асраш, шовқин муаммоси; бойликларни сақлаш, улардан тўғри фойдаланиш; табиат қонуниятлари, унинг ўзгариб туриши ҳақидаги билимларни эгаллаш; табиатдаги талофатлар оқибати; саноат чиқиндиларининг зарари; ҳаво тозаловчи ўсимликлар, сув бойликлари, тупроқни ва уни заҳарловчи моддалар; ўрмон, чўл, саҳро, ўсимликлар, ҳайвонот муҳофазаси — ов қилиш қонун-қоидалари ва бошқалар ҳақидаги асосий тушунчаларга эга бўлишлари лозим.

Экологик тарбия табиатни ўрганиш ва унинг муаммолари хусусидаги синфдан ташқари ҳар турли машғулот шаклларидан фойдаланишни талаб қилади. «Табиат ошиғи», «Жонзотлар дўсти», «Табиат эстетика — экологияси», «Жонажон ўлка ҳайвонот олами» каби тўгарак ва факультатив курслар, «Ўрта Осиёнинг ўсимликлар дунёси», «Флора (ўсимлик олами) билимдонлари», «Табиат тадқиқотчилари» сингари клублар, «Табиатни ўрганувчилар», «Табиатни муҳофаза қилиш жамияти» ва бошқа қизиқишлар бўйича бирлашмаларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ўз микрорайонлари, шаҳар, қишлоқ, вилоят, республика табиатини чуқур ўрганиб, унинг муҳофазасига бағишлаб тарғибот ишлари ва рейдлар ўтказиш катта натижалар беради.

Қизил китобни, айниқса, Ўзбекистонникини ўрганишга, табиат объектларини, мустаҳкам муҳофазага муҳтожларни жиддий билиб олмоқлари зарур. Ўқувчилар Ўзбекистоннинг табиатини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган актларни атрофлича ўрганишлари даркор.

Республика мактабларида илгари мавжуд бўлган, аммо унутилган — болаларни табиатга, унинг эстетикаси, экологиясига қизиқтириш каби халқ анъаналарини қайта тиклаш, янгисини жорий қилиш, экскурсия ва юришлар (мавзуий) уюштириш, фасллар, гуллар, қушлар, ҳайвонлар, байрам кунларини ўтказиш, табиатда хайрли ишларни (наврўз, ерга уруғ қадаш, боғ-роғлар яратиш, байрамларда янги туғилган чақалоқларга атаб дарахт ўтқазиш, балиқ урчитиш ва ҳ. к.) амалга ошириш айни мақсадга мувофиқдир.

ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

Эстетик тарбия ҳиссиётнинг шаклланиш ва ривожи, гўзалликни тушуниш ва унга ташналик, шунингдек, шахс тарбиясининг ажралмас қисми — гўзаллик қонуниятлари асосида яшаш ва яратишга интилишдир. Шаклланишнинг ушбу воситаси эстетик ўлчовлар билан ҳаётнинг барча қирраларини қамраб олади. Йиллар давомида ва турли босқичларда олиб бориладиган ўқувчиларнинг эстетик тарбияси турлича тузилиши зарур. Машғулот шакли, мақсади, мазмуни, педагогик хослиги, шунингдек, услубий режалари фан мантиғини ҳисобга олган ҳолда, болалар ёши ва имкониятига кўра (1 босқич I—IV синфлар; II босқич V—IX синфлар; III босқич X—XI синфлар) фарқланиши лозим.

Ўқувчиларни серқирра, атрофлича таъсир этувчи эстетик қадриятларга йўналтириш зарур. Биринчи навбатда миллий қадриятлар — она замин табиати, миллий халқ санъати, анъаналарнинг миллий эстетик манбаига. Шарқнинг, Ўзбекистоннинг бадиий маданияти тарихидан ўқувчиларда миллий ахлоқ анъаналари руҳини шакллантиришда миллий ўзини англатишга, байналмилаллик ва ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришда фойдаланиш даркор. Бу борада асосий манба сифатида бадиий эстетик қадриятларнинг қадимий санъат турларини танлаш зарур. Миллий анъаналарга бой адабиёт, тасвирий санъат, айниқса, Шарқ миниатюра санъати, ҳайкалтарошлик, ҳунармандчилик, мусиқа ва санъатнинг бошқа турлари (театр, цирк ва ҳ. к.), халқнинг ўтмишдаги ва замонавий турмуш тарзи: яшаш жойи, кийиниши, меҳнат қуроллари ва ҳоказо. Миллий санъат тарихига, этнографиясига, меъморчилигига ва анъанавий санъат турларига алоҳида эътибор зарур. Ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида халқ педагогикаси асосларига суяниш, Шарқ мутафаккирлари дурдона фикр-мулоҳазаларидан, шунингдек, жаҳон умуминсоний қадриятларидан фойдаланиш лозим.

Мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар олдида турган вазифа ягона ички эстетик тарбиянинг тизимларини яратишдир. Яъни эстетик тарбия (табиат буюк эстетик қадрият сифатида, атроф-муҳитнинг эстетик ва бадиий жиҳатлари) воситасида санъат турларини ҳисобга олган ҳолда шароит, ўқув-тарбия жараёнининг имкониятларига кўра бадиий тарбия (шаҳар, қишлоқ ва ҳоказо): Бу тизимлар шахснинг ҳар томонлама яхши ривожланиши бутунлигини белгилайди. Бу: аниқланган билимлар тизими, яъни эстетик туйғулар, қизиқишларни сингдириш, ўрганиш, фикрлаш, мулоҳаза этиш, муносабат, қимматли йўналиш, қарашлар, баҳолар, ғоялар, фаолият (ижодий, эстетик), мукаммаллик, билимни ошириш ва ўз-ўзини тарбиялашдир. Тизим қуйидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда қурилиши лозим: услубий, илмий-назарий, педагогик, шунингдек, мақсад, вазифа, мазмун, синфдан ташқари иш мазмуни, моҳияти ва бошқалар.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларда эстетик тарбия мазмуни биринчи навбатда мажмуий, тизимли, татбиқ этишга кўра уч вазифа бирлиги — таълимий, тарбиявий ривожланиб борувига, психологик ва педагогик жараёнлар муштараклиғига, таълим жараёнида ва жамият талабларини эътиборга олишга, янги билимларга амал қилиш ва ҳоказо қоидалар асосида таркиб топмоғи керак. Улар асосида ўқувчи шахсиятига йўналиш белгиланади.

Бу мақсадларга эришув учун ўқувчилар билан тўгарак, факультатив, санъатшунослик, санъатнинг айрим турларини, жаҳон ва миллий маданиятни ўрганиш, клублар, маданият дорилфунунлари, табиатсеварлар жамияти ва бошқа тарбия шаклларидан фойдаланиш мумкин.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг мазмун ва тузилишига кўра ўқув-тарбиявий манбалардан кенг фойдаланиш даркор.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар барча турларида амал қилинаётган, амалга оширилаётган ва яна қайта тикланаётган турли дастурларида шахс шаклланишига, маънавий камолига, мураккаб ҳаёт чорраҳаларида маънавий масъулият билан яшаш йўллари шаклланишига эътибор қаратилиши лозим.

Ўқувчиларни, айниқса, ўрта ва катта ёшдагиларни ўз билим ва малакаларини мустақил оширишларига йўллаш керак. Эстетик тарбиянинг янги шакллари ва мазмунини топиш зарур. Жумладан, фольклор, миллий-эстетик ансамбллар, миллий рақс ва қўшиқлар, санъатнинг миллий-анъанавий турлари назарияси ва тарихини ўрганиш; қадимий эстетик тарбия восита услубларини тиклаш керак.

Қобилиятли ва истеъдодли тарбиялануючига алоҳида муносабатда бўлиш, унинг ижодий имкониятларини ривожлантириш керак. (Оммавий тадбирлардан кенг фойдаланиш, суҳбатлар, маданият дорилфунунлари, мавзуий кечалар, санъат намоёндалари билан учрашув, конференциялар, ҳисобот чиқишлари, «Наврўз», «Санъат байрами» тадбирлари ва ҳоказолар орқали).

Ўқувчиларнинг биргаликдаги музей, кўргазма, театр, концерт каби маънавият ўчоқларига, маданият ва меъморчилик обидаларига боришини ташкил этиш ва улардан олган таассуротларини ўртоқлашишга ўргатиш зарур.

Эстетик тарбиянинг шундай асосий мазмуни исталган соҳадаги синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларининг тарбиянинг ягона қоида ва услубларини ташкил этади. Яъни санъатнинг аниқ турлари ва ифода воситаларининг ўзига хослиги (сўздаги, тасвирдаги, мусиқа ва ҳоказо) замирида. Ифоданинг бадиий воситаларини амалий ўзлаштириш натижасида.

Бу борада асосий услуб этиб, тўлақонли бадиий ва ижодий асарни чуқур ҳис этишдир, шунингдек, миллий ва тарихий санъат шакллари ҳамкорлигини, ўқувчиларнинг ижодий мустақиллигига ҳурмат билан қарашни, ўқитувчининг ўқувчилар ва тарбиячилар билан ўзаро суҳбатларини, оламни эстетик ва бадиий ҳис этиш фаолияти давомида ўқувчиларни мустақил ижодкорлигини, турли ўйинларни, дидактик, саҳна ўйини ва бошқаларни болалар орасида билими ва қобилияти билан алмашув иш шаклларини тузиш керак.

Эстетик тарбияни амалга татбиқ этишнинг илмий таъминотида руҳий-эстетик ва тажриба-амалий режалар бўйича кўп вазифаларни белгилаб олиш зарур. Уларнинг орасида асосийлари: Ўқувчиларнинг узлуксиз тарбиялаш тизимини ишлаб чиқиш, яъни синфдан ва мактабдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг эстетик тарбиясига дифференция муносабатлар; тарбиянинг эстетик, бадиий, эстетик—экологик, ахлоқий—эстетик мезонларга эътиборни қаратиш, факультативлар ва тўгарак дастурига, синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг асосий шаклларига умумий ва индивидуал талабларни аниқлаш ва бошқалардир.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

Ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсад ва вазифалари конституцияни, давлат ҳақидаги таълимотни, чунончи, фуқаролар, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий, нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқа ҳуқуқларнинг маъносини тушунтиришдан, болаларни давлат қонунларини юксак даражада ҳурмат қилиш, уларга сўзсиз риоя этиш, адлиявий билимларни эгаллашга эҳтиёж сезиш, тартиб ва интизомни бузувчиларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш, халқаро ҳуқуқнинг аҳамиятга молик масалалари, халқаро ташкилотлар (БМТ хавфсизлик кенгаши ва ҳоказо) фаолияти ҳақида ўқувчиларнинг умумий тасаввурларини шакллантиришдан иборатдир.

Мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар болаларнинг энг оддий, шунингдек, анча асосли ҳуқуқий билимлар, ижтимоий ҳаёт меъёрлари ва қоидаларини билиб олишлари, тушунчаларини кенгайтиришлари ҳамда мустаҳкамлашлари учун уларга кенг шароит яратиб беришлари лозим.

Ўқувчилар, айниқса, катта ёшдагилар қуйидагилардан тўла билимга эга бўлишлари зарур:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош Вазир лавозимлари, Президент аппарати, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳукумат ва бошқа органларнинг моҳияти ва аҳамияти, ҳуқуқий статуси. Уларнинг кишилар кундалик ҳаётида зарурлиги;

— Ўзбекистон Республикаси Қонунни муҳофаза қилиш муассасаларининг ташкилий тузилиши;

— Ўзбекистон Республикаси БМТнинг тўла тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқий статуси ва шу аъзолик билан боғлиқ ҳолда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш мажбуриятлари.

Республикада кўпгина сабаблар, шу жумладан, оддий ҳуқуқий саводсизлик оқибатида юзага келган ноқулай криминоген ҳуқуқий тарбия бўйича амалга оширилаётган тадбирга чуқур ўйлаб ёндашишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Кўпинча лекциялар ва суҳбатлар болалар учун зерикарли бўлади ҳамда уларни қизиқтирмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўз, ҳар бир пандиасиҳат боланинг нозик қалбига сингиши, унда ҳуқуқ-тартиботни бузувчиларга қарши курашда фаол иштирок этиш, энг муҳими, унинг ўзида ҳуқуқий билимлар билимдони бўлиш ҳиссини уйғотиш лозим.

Ҳуқуқий тарбия бўйича дарсдан ташқари ишлар ўқув жараёни билан таркибан ва мантиқан уйғунлашган ҳолда бўлиши керак. Тўгарак ва клуб фаолияти, ҳуқуқий билимлар конференциялари ва баҳс-мунозаралари ўқувчиларнинг ёш ва заковат хусусиятларига мувофиқ бўлиши, умумий тарбиявий жараёнга мос келиши зарур. Бунда ҳуқуқий тарбия болаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш умумий мазмунининг ажралмас, узвий қисми эканлигини ёдда тутиш керак.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, Қонунларини, айниқса, давлат тили ҳақидаги Қонуннинг тушунтирилиши ва бажарилиши ҳуқуқий тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу мактабдан ташқари муассасаларда ўзбек, шунингдек, рус ва бошқа миллатга мансуб ўқувчилар билан муайян иш олиб боришни, республика анъаналари, миллий хусусиятлари, этнографияси, демографиясини чуқур билишни талаб этади.

Аниқ мақсадга қаратилган тушунтириш ишлари олиб бориш, турли тадбирларни ўтказиш лозим. Тилни билиш — кишининг маданияти, ақлий етуклиги, унинг маънавий дунёси кўрсаткичи. Республикада ишлаб турган у ёки бу киши унинг тилини билиши ахлоқий заруратдир. Тил катта бойликдир, уни билганлар учун жаҳон маданиятига, тараққий этган давлатларга йўл очилади. Биз тилни билиш билан халқ қалбини биламиз.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

Жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар, илмий-техник тараққиётга мувофиқ равишда болалар ўсиш ва ривожида тезлашув, унинг вужудида турли анатомик-физиологик ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозирги пайтда ўсиб келаётган ёш авлод янги ҳаёт тарзига кўникишнинг машаққатли вазиятида. Бу эса ундан маълум жисмоний тайёргарликни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги Қонунларида Ўзбекистон аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлашга, ўқувчи ёшларни ҳар томонлама ривожлантиришга каттэ эътибор қаратилган. Бунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси болалар ва ўқувчи ёшларини жисмонан тарбиялаш Концепцияси» ишлаб чиқилди ва эълон қилинди (Қаранг: «Учитель Узбекистана» 1992 йил № 43, 44, 48). Бунда мактабгача ёшдаги, бошланғич, таянч ва ўрта мактаб ўқувчилари тарбиялашнинг услуб ва шакллари, қоидалари аниқ белгилаб берилган.

Жисмоний тарбия ва спорт, тозалик, ўқувчи саломатлигини ҳимоя қилиш — ўсиб келаётган ёш авлод соғлом турмуш тарзини таъминлашнинг муҳим омилларидандир.

Жисмоний тарбия жараёнида соғломлаштиришгина эмас, балки таълим ва тарбия вазифалари ҳам амалга оширилади.

Жисмоний тарбия ўқувчилар ҳаракат доирасини саломатлик асослари сифатида таъминлайди: руҳий шакллантиради, жисмоний чиниқтиради, ижтимоий-ҳаётий фаолликка ундайди.

Жисмоний тарбия боланинг бутун ҳаётини ташкил этишда марказий ўринда бўлиши керак.

Мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларда оммавий спорт мусобақалари қатори махсус машғулотлар ҳам ўтказиш зарур. Бунда ҳудудий ва этник, ижтимоий, маданий омилларни ҳисобга олиш аҳамиятлидир.

Ўқувчиларга тиббий санитария-гигиена хизмати кўрсатиш ҳозирги мактабнинг муҳим муаммосидир. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни тиббий, санитария-гигиена хизматлари билан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши даркор.

Ўқувчиларнинг таълими, меҳнати ва дам олиши бўйича тавсиялар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқувчининг руҳий гигиена муаммоси руҳий-жисмоний четга оғишларнинг олдини олишни ўрганишни талаб қилади. Шу сабабли бу масала руҳшунос олимларнинг диққат марказида турмоғи, мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар шу ҳақда аниқ таклифлар билан чиқишлари керак.

ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

Истеъдод ўз вақтида намоён бўлишга, тарбияга ва қўллаб-қувватлашга муҳтождир. Ўз навбатида ҳар қандай тараққиётпарвар жамиятга истеъдодли шахслар зарур. Шу нуқтаи назардан истеъдодли болаларни аниқлаш, тарбиялаш ва ўқитиш республиканинг бўлажак ақлзаковатли ва ижодий фикрловчи кучларини тайёрлашнинг ягона жараёнидир.

Истеъдодларни намоён этиш ва улар сонини ошириш учун шароит яратиш мақсадида аввалги ютуқ-тажрибаларни ривожлантириш, иш услублари, йиллик фан олимпиадаларини ўтказиш, «Санъат байрами», китобхонлар ҳафталиги, болалар ижодкорлиги каби тадбирлардан фойдаланиш муҳим.

Ёш истеъдодларнинг намоён бўлишига қобилиятларни аниқ таҳлил этиш, боланинг ўзига хос фазилатларини ҳисобга олиш ижодий қобилиятлар ривожини самарали амалга ошириш учун зарур.

Қобилиятларни ривожлантириш даража ва босқичлари уларга янгича муносабатлар билан боғлиқ бўлади.

Махсус қобилиятлар аниқ даражаси билан исталган болада шаклланган бўлиши мумкин. Бу эса ташкил этилган тарбия ва ўқув жараёни шароитларида ривожлантирилади.

Ўқувчи ёшларни ижодий ривожлантириш мақсадида истеъдод ва иқтидорни онгли рағбатлантириш, мукаммаллик учун шароит яратиш, уларнинг ижобий қизиқишлари ранг-баранглигини ошириш, турли кўрсатмали тадбирларда иштирок эттириш, олимпиадалар, танловлар, кўргазмалар, учрашувларга жалб этиш лозим.

Истеъдодли болаларни таниқли, малакали шоир, ёзувчи, рассом каби санъат намоёндаларига боғлаб қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай истеъдод ривожланишида ахлоқий, маънавий тарбиядан баҳраманд бўлмоғи зарур.

Болалар ижодий қобилиятларини ривожлантиришда оила ва муҳитнинг аҳамияти юксак. Айниқса, республиканинг қишлоқ жойларида иқтидорли болаларни излаш, топиш ва изчил муттасил касбий таълим ва тарбиясини йўлга қўйиш муҳимдир.

Истеъдодли болаларни жойларнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олиб, ижодий камол топтиришда диагностик услубиятлар, ўқув режалари ва ўқув услубий, тарбия ва таълим дастурлари билан таъминлаш лозим.

Шунингдек, замонавий моддий-техник ва молиявий жиҳатдан иқтидорли болаларни излаш, топиш ва тарбиялаш учун тўлиқ таъминот зарур.

Истеъдодли болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун уларни руҳий зарбалардан асраш йўлларини аниқлаш, руҳан ёрдам кўрсатиш, руҳий ҳаяжонланиш ҳолатларини ўрганиш — уларнинг ижодий қобилиятлари ривожи учун шароит яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш даркор.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун таркибига Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ходимлари, етакчи олимлар ва мутахассислар, ижодкорлар, амалиётчи ўқитувчилар, тўгарак раҳбарлари киритилган Республика методик кенгаши тузилиши лозим.

Турли ёшдаги гуруҳлар истеъдодлари ва иқтидорларини қидиришнинг дастури ва умумий дастури зарур. Оммавий ўқув юртларида бўлганидек, мактабдан ташқари муассасаларда ҳам бу борада ўқув дастури режаларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Истеъдодли болаларни аниқлаш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш қуйидаги омилларга:

— ушбу аниқлашнинг ижтимоий аҳамиятини, унинг республиканинг заковати, ижодкорлик куч-қудратини тайёрлашнинг истиқболи билан боғлиқлигини тушунишга;

— руҳий-диагностик услубият, услубий материаллари бўлгани ҳолда турли ёшдаги гуруҳларда аниқлашнинг умумий дастури ва кичик дастурлари яратилишига;

— истеъдодли болалар (махсус тайёрланган режа, дастур, илмий асосланган услубият ва ҳоказо бўйича) билан ишлаш учун ихтисослашган муассасаларнинг ягона тармоғини тарғиб этишга;

— оммавий ўқув юртларида истеъдодли болалар билан ишлаш учун зарур ўқув-дастурий қўлланмаларини ишлаб чиқишга;

— жойларда махсус гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган халқ таълими, давлат ва жамоат муассасалари, ижодий уюшмалар томонидан тасдиқланган дастурларга (бу дастурларда истеъдодли болалар билан ишлашнинг истиқболлари ва босқичлари, ўз ҳудудида бундай фаолият ва кўпгина бошқа тадбирлар учун маблағ ажратиш, уларни таъминлашга);

— қўйилган вазифаларни ҳал қилишга кенг жамоатчилик диққатини жалб қилишга, республика методик кенгашининг тузилишига (бу кенгаш таркибига Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, халқ таълими бошқарув органлари ходимлари, етакчи олимлар ва мутахассислар, ижодий уюшмалар, амалиётчи ўқитувчи, мактабдан ташқари муассасалар) тўгараклари раҳбарлари кирадилар;

— илмий тадқиқотлар мактаблар учун норматив материаллари синф ишланмалари мажмуига, истеъдодли ўқувчилар ҳақида маълумотлар манбаини яратишга, уларни ўқитиш ва тарбиялашнинг (табақалаштириш, индивидуаллаштириш, инсонпарварлаштириш) ягона услубий асосини яратишга боғлиқ.

Истеъдодли ва иқтидорли болаларнинг ўқитувчи ҳамда тарбиячилари алоҳида истеъдодлар учун турлича ўқув режа ва дастурларига эга бўлишлари мақсадга мувофиқ.

МАҲАЛЛАДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Мавжуд вазифаларни ҳал қилишда маҳаллага алоҳида эътибор керак. Чунки у ижтимоий тарбиянинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Маҳаллани ўстунлиги шундаки, кўп йиллар давомида бирга яшаган кишилар ягона дўст оилага уюшганлар. Улар бир-бирларини, ҳар бир оила ва ҳар бир болани тарбиялашда ота-оналарнинг мавқелари ва имкониятларини яхши билишади. Маҳаллада анъанавий тарбиянинг халқона услублари таркиб топган. Масалан, ҳашар усули билан ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилинади, оғир дақиқаларда бир-бирларига ёрдам беришади. «Наврўз», «Олтин тўй», «Кумуш тўй», «Мучал тўй» ва қатор бошқа миллий тантаналарни биргаликда байрам қилишади. Бу эса ҳеч сўзсиз катта тарбиявий аҳамиятга эга ва аҳлоқийликни ривожлантиришга, жамиятнинг барқарорлиги ва ривожланишига ёрдам беради.

Маҳаллаларнинг ижобий иш тажрибаси, тарбиялашдаги бой халқ педагогикаси воситалари, хилма-хил халқ ва оилавий анъаналар, шунингдек, ёшлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишнинг янги самарали шаклларини излаш бўйича иш ташкил этиш мақсадлари турар жой бўйича ижтимоий-педагогик марказлар (ИПМ) ташкил этиш заруратини келтириб чиқарди. Ижтимоий педагогик марказ бу ижтимоий тарбия тизими бўлиб, ҳокимиятлар, маҳаллий касаба уюшмалари, корхоналар, жамоат ташкилотлари, мактаблар, мактабдан ташқари муассасаларнинг турар жой бўйича ижтимоий масалаларни ҳал қилишга, аҳоли барча табақалари ва биринчи навбатда болалар ва ўсмирлар орасида тарбиявий иш олиб боришда салбий иллатларнинг олдини олиш ва уларга қарши жамоатчиликнинг куч-ғайратларини бирлаштиради.

Мактаб, оила, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигининг бу янги тузилмаси болалар ва катта ёшдаги аҳолининг одоб-ахлоқ, ғоявий-сиёсий, меҳнат, иқтисодий-экологик ва жисмоний тарбиясига, бўш вақтини мазмунли ўтказишига, маданият, спорт, халқ таълими, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда маҳаллаларнинг моддий базаси ва ходимларидан тўлароқ, оқилона фойдаланишда амалий имкониятлар беради.

ИПМнинг афзаллиги шундаки, у узлуксиз тарбия жараёнида тарбиянинг халқона, миллий асосларини, оммавий тарбия анъаналарини амалиётга жорий қилади. Болалар ва ўсмирлар клублари очишда, ёшлар қонунбузарлигининг олдини олиш ва ижтимоий тартибининг бузилишига қарши оммавий қураш олиб бориш имкониятини беради. ИПМ маҳаллалар тарбиявий ишининг самарадорлигини оширишни таъминлайди, барча болалар ва катта ёшдаги кишиларга педагогик таъсир кўрсатади.

ИПМлар турар-жой бўйича аҳолининг турли гуруҳларга табақалаштириш асосида ёндашиш орқали барча тарбиявий, жисмоний соғломлаштириш, маданий дам олиш, ташкилий-оқартув ишларини яхшилашни таъминлашга даъват этилган, Ҳокимиятлар, халқ таълими органлари, уй-жой коммунал хўжаликлари, маҳалла қўмиталари, ҳуқуқ-тартибот органлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, корхоналар вакилларининг турар-жойлар бўйича тарбиявий ишни режалаштириш ва ташкил этишда ўзаро тўла уюшқоқлигига эришиш керак.

МАКТАБДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШИ

Ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилиш органлари фаолиятида қатнашуви уларнинг ижтимоий фаоллик мавқеини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Бу болалар ва ўсмирларнинг фуқаролик, демократия тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтиради. Мактабда комсомол ва пионер ташкилотлари йўқлиги шароитида ўқувчиларни бирлаштирадиган — ўқишда, тарбияда, дам олишда уюштириш масъулиятини ўз зиммасига олувчи ўқувчилар бўлинмаси бўлиши талаб этилади.

Ўзини ўзи идора қилиш — ташаббуслар ва мустақиллик мактабидир. Мазкур бошқарув ташкилотчилик иши кўникмаларини тарбиялайди, умумий ғоялари билан аҳил, жипслашган ўқувчилар жамоасини тузади. Ўқувчилар ўзини ўзи идора қилиш тузуми мактаб ўқувчилари (жамоа) томонидан ўзининг фаолиятида амалдаги демократик тарзларини чуқур ўзлаштириш учун қулай шароитлар яратади. Бу шароит ишни режалаштириш, асосий йўналишни танлаш, топшириқларни тўғри тақсимлаш, ижро устидан ҳисобот ва назоратни йўлга қўйиш, ҳаракатлар, ташаббусларнинг уйғунлигини таъминлаш, мусобақалар уюштириш, ўз зиммасига масъулият олиш каби кўникмалардан иборат

(Давоми 4-бетда).

(Бошн 2, 3-бетларда).

Тарбияланувчилар давримиз кишиси учун зарур бўлган қатор ахлоқий сифатларни, чунончи, умум иши учун масъулият ва унга қўшадиган улуши учун шахсий масъулият, жамоа манфаатларига содиқлик, ўртоқлар билан ўзаро муносабатда қатъийлик, ўзаро талабчанлик, жамоа ташаббусини қўллаб-қувватлаш каби сифатларни эгаллайди.

Мактабда ўқувчиларнинг мустақил фаолияти, барча педагогик жамоа бу ишга маънавий тайёр бўлсагина ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро чуқур ҳурмат, хайрихоҳлик, ишонч бўлган шароитдагина ташкил этилиши мумкин. Ҳеч қандай сохталик ва сунъийлик бўлмаслиги керак. Барча ўзини ўзи идора қилиш ташкилотлари ўз фаолияти юзасидан вақти-вақтида ҳисобот бериб туриши, сўз ва иш бирлиги сақланиши, ҳар ким ҳуқуқлари ва вазифаларини бажаришида ижтимоий рағбатлантирилиши эътиборда бўлиши керак. Шунингдек, мактабдаги болаларнинг Республика болалар ва ўсмирлар ташкилотлари уюшмалари билан ҳамкорликлари катта аҳамиятга эга.

КОНЦЕПЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ

Ҳар қандай ҳужжат сингари ушбу Концепцияни ҳам илмий жиҳатдан асосламай туриб, амалга ошириш мумкин эмас.

Бу билан боғлиқ равишда республика педагогика фани тараққиётининг яқин мақсадларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонунини босқичма-босқич узлуксиз амалга ошира бориб, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, мактаб таълими ҳамда тарбиянинг жиддий муаммоларини ишлаб чиқиш, узлуксиз таълимнинг, педагогик технологиялар ва амалий тарбиянинг негиз мазмунини яратиш, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ўқув юртлари, ўрта махсус билим юртлари ўқитувчи, ўқувчилар фаолиятини мувофиқ мезонларини ишлаб чиқиш ва ҳоказолар киради. Бу мақсадларни амалга ошириш учун фалсафа, жамиятшунослик, иқтисод, экология ва бошқа фан соҳаларида халқ таълими муаммоларини тадқиқ этишнинг устиворлиги тан олиниши даркор. Узлуксиз таълим ривожланишининг диагностик услубини илмий тасаввурлар, педагогика назарияси ва тарихи, шу жумладан, халқ ҳудудий, педагогик ва ижтимоий психологияси, турли ёш физиологияси ва мактаб гигиенаси, психологияси, болаларни ҳимоя қилиш ва ҳоказолар соҳасида тадқиқотларни янги даражага кўтариш лозим бўлади.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий иш Концепциясини амалга оширишни ташкил этишни илмий таъминлаш тадбирлар мажмуи қуйидаги асосий тадбирларга эътиборни жамлаш имконини беради:

— мезон хулосаларига асосланган тарбиявий жараённи ташкил этишнинг аниқ йўналишлари бўйича мажмуи ва мақсадли дастурлар тузиш;

— тарбиявий ишни замон талаблари асосида ташкил этадиган педагогик ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш,

— бир вақтнинг ўзида Концепцияни сиёсий-иқтисодий, ижтимоий аҳвол билан боғлиқ ҳолда ўзгарадиган айрим қоидаларини ислоҳ этиш билан амалга оширишни даврий тарзда ташкил қилиш.

Тарбиялаш вазифаларини ҳал қилиш учун Республика барча илмий кучларини, Ўзбекистон Фанлар академияси, олий ўқув юртлари, фан, тармоқ ва идоравий билимгоҳлар ҳамда илмий бўлинмаларни бирлаштириш керак. Бу ўсиб келаётган авлодни тарбиялашнинг тор идоравий эмас, қўшма мажмуи ва мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш заруратини белгилайди.

Педагогик ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича самарали ишсиз тарбиявий жараённинг самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Бу қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

— биринчидан, кадрларни тайёрлашни кенг тизимли махсус ўқув юртлари амалга оширмоқдалар ва демак, гап уларни битириб чиққанларни тарбиялаш жараёнига тезроқ кўникиши ҳақида бориши керак; бу кўникиш ёш ходимлар учун муайян андозаларга дучор бўлган тажрибали педагогларга нисбатан тезроқ ва беозорроқ ўтиши лозим;

— иккинчидан, қайта тайёрлаш шунинг учун ҳам зарурки, тарбиявий иш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни академик йўл билан, амалиётчи ходимлар билан тажриба алмашмасдан туриб ўрганиш эмас;

— учинчидан, тарбиявий жараён абадий, умуминсоний қадриятларга таянган, шунга қарамай унга замон руҳи қаттиқ таъсир қилади. Уларни ҳисобга олмаслик, аввало, ёшларни тўлқинлантираётган муҳим муаммолардан ажралиб қолиш демакдир.

Шундай бўлган аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб тарбия жараёнини тўғри йўлга қўйиш бўйича мунтазам фикр алмашув лозим. Шундай қилиб, энг муҳим омил сифатида ходимларни қайта тайёрлаш ҳақида гапирилар экан, уни ташкил этишнинг энг мақбул шаклларини аниқлаш лозим, ўқитувчининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими педагогларнинг ижодий ва моддий манфаатдорлиги асосига қурилиши, унинг касбий ҳуқуқлари кенгайиши, маънавий ўсиши, моддий фаровонлиги яхшиланиши билан бевосита боғлиқ бўлиши лозим.

Ҳар қандай ҳужжат, бунинг устига тарбиялаш каби мураккаб ижтимоий-психологик муаммога оид ҳужжат абадий, ўз вақтида аниқликлар ва тузатишлар киритишни талаб қилмайдиган бўлиши мумкин эмас. Ушбу мезон синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишнинг асосий йўналишларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Шу сабабли мезоннинг узоқ вақт амалда бўлиши муайян даражада давр талаби билан унга киритиладиган тузатишларга боғлиқ. Худди шунинг учун ҳам синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясига у ёки бу тузатишларни киритиш юзасидан қилинган таклифлар илмий тавсия қилиш, жамиятда таркиб топган вазиятни ҳамда тарбиявий ишнинг мавжуд тажрибасини, унинг ҳолатини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишдан кейин ишлаб чиқилиши керак. Бунда тарбия жараёнига таъсир қилишлари мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий воқеаларга олдиндан эътибор беришга, бу билан иложи борича уларнинг салбий таъсир этишининг мумкин қадар олдини олиш ёки аксинча: таркиб топаётган қулай ҳолатда иложи борича кўпроқ наф кўриш учун фойдаланишга алоҳида эътибор бериш керак.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий иш мезонини амалга оширишни даврий таҳлил қилиш режали, айрим илмий ёки педагогик жамоаларининг таклифлари бўйича ўтказилиши ҳам мумкин. Лекин ҳар қандай вақтда таҳлил қилишда ҳам илмий, ҳам амалиётчи ходимларнинг иштирок этиши лозимлигидан келиб чиқиш керак. Агар даврий илмий таҳлил Концепциянинг стратегик вазифаларини белгилаш ва тузатишга даъват этилган бўлса, унинг кундалик ва доимий вазифаларини ҳал қилишга халқ таълимининг услубий ишланмалар билан шуғулланувчи доимий ташкилотлари қатори амалиётчи педагогларни ҳам кенг жалб қилиш лозим. Мактабдан ташқари муассасаларнинг услубиёт ишига алоҳида эътибор бериш керак. Улар болалар ва ўсмирларни тарбиялаш билан шуғулланаётган ходимларнинг барча тоифаларини услубий ёрдам билан таъминлашлари, ушбу ишларнинг илғор тажрибаси асосида тўгараклар ва клублар, мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларнинг дастурларини ишлаб чиқишлари ва уларни такомиллаштиришлари керак.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар Концепциясини амалга оширишнинг самарадорлиги тўғридан-тўғри халқ таълими барча тизимлари бўлинмалари, илмий ва жамоат ташкилотлари фаолиятини аниқ ташкил этишга вазирликнинг тегишли бошқармалари ва бўлимларининг доимий назоратига, қолаверса, педагоглар бу ишни олиб боришдан қанчалик манфаатдор эканликларига боғлиқ. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепциясида маҳаллий шароитларни, ўқув юртларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, ижодий фойдаланиш лозим. Ундан педагогик, ўқувчилар жамоасида юзаки фойдаланишга уринмаслик керак.

Концепция маҳаллий шароитларга мослаб аниқ режалар, тадбирлар ишлаб чиқиш учун асос бўлиши даркор. Ушбу мезон асосида танлаб олинган асосий тарбиявий иш йўналишларининг мазмуни, мақсадлари, вазифаларини белгилаш, шубҳасиз, халқ таълими органлари барча турдаги ўқув юртлари педагогик жамоалари, жамоатчиликнинг куч-ғайратини ёшлар тарбияси муаммоларини ҳал қилишга яхлит ёндашишга жамлайди, ўсиб келаётган ёш авлодни шакллантиришнинг аниқ вазифаларини бажаришга бирлаштиради.

(Концепция Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги коллегиясида тасдиқланган).

Сиддиқ РАЖАБОВ

Ўзбекистон маорифи, фан ва маданияти оғир жудоликка учради. Бевақт ўлим педагогика фанининг кўзга кўринган олими, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти умумий педагогика кафедрасининг профессори, педагогика фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Сиддиқ Ражабович Ражабовни 1993 йил 28 февраль куни орамиздан олиб кетди.

Сиддиқ Ражабов 1910 йил апрель ойида Жамбул шаҳрида таваллуд топди. 1933 йили Фарғона педагогика институтини имтиёзли тамомлагач, шу институтда ўқитувчи қилиб қолдирилди. 1934-37-йиллари аспирантурада таҳсил кўрди, 1941 йили номзодлик, 1958 йили эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

С. Ражабов Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тарғибот-ташвиқот бўлими мудирининг ўринбосари, 1943 — 1947-йиллар давомида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг масъул муҳаррири вазифасида ишлади.

1947—1962, 1966—1989 йилларда С. Ражабов Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти умумий педагогика кафедрасига мудир, 1961—1966-йилларда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг директори вазифаларида ишлади.

С. Ражабов 1962—1989-йиллар давомида педагогика бўйича илмий даражалар берадиган илмий кенгашга раислик қилди.

1969 йилда унга «Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилди, 1968 йилда эса собиқ СССР Педагогика фанлари академиясининг академиги, 1970 йилдан бошлаб ушбу академия президиумининг аъзоси этиб сайланди. С. Ражабов Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида педагогика соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотларни ўзаро мувофиқлаштириш, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича ибратли ишларни амалга оширди, 10 дан ортиқ фан доктори, 200 га яқин фан номзодларини тайёрлади. Унинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан педагогика ва педагогика тарихидан дарслик ҳамда қўлланмалар нашр этилди. Академик С. Ражабов 65 йиллик педагогик фаолияти давомида 250 га яқин монография ва рисола, илмий педагогик мавзулардаги мақолаларни ёзиб чоп эттирди ва умрининг охирги дақиқаларига қадар ёш мутахассисларга илмий-методик жиҳатдан ёрдам бериб келди.

Олимнинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. У қатор орден ва медаллар, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Пок қалбли инсон, халқ маорифи жонкуяри Сиддиқ Ражабовнинг ёрқин хотираси унинг ёру дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари қалбида абадий яшайди.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

ЁШЛАР СЕВГАН МАСКАН

Ўн тўққиз йилдан бери ишлаб келаётган Тошкент шаҳар Йўлдош Охунбобоев номли болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази бугунги кунда болаларнинг севимли масканига айланган. Бу ерда 40 дан ортиқ тўгарак бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу масканда ўқувчилар ҳунар билан бирга одоб-ахлоқ, гўзаллик, меҳмоннавозлик, уй шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш, эски ўзбек ёзуви ва инглиз тилини мукаммал ўрганиш борасида устозлардан таълим олишмоқда. Шу йилнинг февраль ойида иш бошлаган «Замонавий қизлар мактаби» бунга мисол бўла олади.

Ҳафтанинг ҳар душанба куни бу ерда очиқ эшиклар куни ўтказилади.

Марказ ҳаётига оид кўргазмалар, ҳунар ўрганиш сирлари, одоб-ахлоқ мавзусидаги материаллар ва ҳар хил янгиликлар «Охунбобоевчи» деворий газетасида ёритиб борилади.

Шунингдек, мазкур масканда ўқувчилар билан ишлаш, ҳар хил экскурсиялар ташкил қилиш, таниқли санъат намояндалари билан учрашувлар йўлга қўйилган. Айни кунларда Наврўз байрамига тайёргарлик ишлари қизғин олиб бориляпти.

«Баҳор» концерт залида болалар ва Ўсмирлар ижодиёти маркази томонидан «Илҳом чашмалари-93» кўрик-танлови ҳамда шаҳар миқёсида миллий санъат кўргазмасини ўтказиш кўзда тутилаётир.

«Ёш моделчилар» тўгараги раҳбари Нурия Аҳмеджонова, «Эски ўзбек ёзуви» тўгараги раҳбари Насиба Миродилова, «Ёш наққошлар» тўгараги раҳбари Рихсивой Расулов ўз шогирдлари билан кўрик-танловга жиддий ҳозирлик кўришмоқда.



СУРАТЛАРДА: ижодиёт маркази ҳаётидан лавҳалар.

Ф. УМУРЗОҚОВ,
муаллиф тасвири.

МАКТАБДА НАВОИЙХОНЛИК

Атоқли аллома Мақсуд Шайхзода таъбири билан «Ғазал мулкининг султони» деб аталган Шарқнинг буюк донишманди Алишер Навоийнинг ижоди беш юз йилдан бери бўлганидек, бундан кейин ҳам шеър ихлосмандларини сеҳрлаб келади. Бунинг ёрқин ифодасини кечагина Оҳангарон тумани Қорахитой қишлоғидаги 12-ўрта мактабда бўлиб ўтган навоийхонлик мисолида ҳам кўриш мумкин эди.

Мактабнинг 10-синф ўқувчилари кўпдан бери Алишер Навоий даври адабиётини янгича талқин билан ўрганишга киришдилар. Бунинг учун муаллимлари ёрдамида Алишер Навоий, у яшаган тарихий даврнинг, айрим асарларининг, шу жумладан, Навоий ҳақидаги асарларнинг мазмуни ва ёзилиш тарихи билан яқиндан таниша бошладилар. Унинг ҳосиласи ўлароқ яқинда мактабнинг ҳашаматли залида ўқувчилар навоийхонлик адабий эрталигини ўтказдилар.

Эрталикда ўқувчи Нодиржон Қозоқов «Эл нетиб топгай мениким...» мавзусида қизиқарли маъруза қилди. Шундан кейин махсус саҳнада ўқувчилардан Ф. Сафаралиева, М. Раҳимова, Ш. Наврўзова, Ш. Однаматова, Н. Оллоқулова, З. Хидирова, М. Йўлчиева ва Ғ. Бойғозоқовалар Навоий рубоийлари асосида қизиқарли мушоира ўтказдилар.

М. ҚАЮМОВ.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг жамоаси педагогика фанлари доктори, академик

Сиддиқ РАЖАБОВ

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Педагогика жамияти шу жамиятнинг собиқ раиси

Сиддиқ Ражабович РАЖАБОВ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоаси умумий тилшунослик кафедрасининг профессори, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби

Аъзам ШЕРМАТОВ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

БОБУР—СИСТЕМАТИКА ФАНИ АСОСЧИСИ

Таваллудининг 510 йиллигига

Бобур ва «Бобурнома» ҳақида жуда кўп ва хўб ёзишган, баҳс эса ҳамон давом этмоқда. Биз бу ерда Бобур ижодининг бобуршунос олимлар назаридан четда қолган яна бир қирраси — унинг тадқиқотчи биолог ва систематик олим сифатидаги илмий фаолияти ҳақида баҳс юритамиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзи бўлган ва яшаган мамлакат, ўлкалар табиатини тадқиқотчи қомусий олимлардек ҳар томонлама ўрганган, жумладан, у кўпчилик ўсимлик ва ҳайвонларнинг номларини, тарқалиш қонуниятларини, биологик хусусиятларини билган. Таниш бўлмаган ўсимлик, ҳайвонларни қизиқиб ўрганган, сўраб-суриштирган ва уларга таъриф беришда ажойиб усулдан фойдаланган. Масалан, Ҳиндистон ҳайвонот оламини аввал гуруҳларга, сўнг турларга ажратиб таъриф беради, таъриф берганда ҳам мутахассислардек илмий асосда баён этади. «Бобурнома»да йирик ўрмон ҳайвонларининг 10 тури, маймунларнинг 4, тўтиқушларнинг 5, очиқ жойда яшовчи бедананинг 5 турига биологик таъриф берган.

Мевали дарахтсимон ўсимликларнинг 20 дан ортиқ, шу жумладан, норанж деган меванинг 13—14 навига алоҳида тўхталган. Уларга ҳам биологик таъриф беради.

Шу ўринда эслатиб ўтмоқчимиз. Инсоният швед олими Карл Линнейни — (1707—1778) систематика фанининг асосчиси деб тан олган, ҳар қалай, ўрта ва олий ўқув юртлари дарслик, қўлланмаларида шундай ёзилган. У ҳақиқатан ҳам систематик бирликларни фанга киритган. Шунингдек, олим ҳар бир тур (энг кичик систематик бирлик)га қўшалоқ — бинар ном беришни таклиф этган. Масалан, дала сичқони, уй сичқони ёки мирза терак, бақа терак каби. Бундай номланишнинг илмий ва амалий аҳамиятини фан аҳли ва мутахассислар яхши биладилар.

Бобур XVI асрдаёқ ўсимлик ва ҳайвонларни ўрганиш осон бўлсин деб, аввал уларни гуруҳларга бўлди, сўнг турларига таъриф берган. У ном беришни ҳам унутмаган. Ном берганда ҳам қўшалоқ ном! Бобур даҳосига яна бир таъзим қилиб, қуйидаги сатрларни ўқиймиз: Ғурбанд тоғининг этагида «икки парча ҳамвор дашт воқе бўлубтур. Бирини Курраи Тозиён дерлар, яна бирини Дашти Шайх... Бу доманада ранго-ранг ҳар навъ лола бўлур. Бир қатла санатим, ўттиз икки — ўттиз уч навъ ғайри муқаррар лола чиқти. Бир навъ лола бўлурким, андин андак қизил гул иди келур, лолаи гулбўй дер эдук... Яна ушбу доманада Парвондин қуйироқ садбарг лола бўлур...» («Бобурнома») Т., Юлдузча, 1990, 124-бет. Таъкид бизники — Т. К.) Бу ерда лола — авлод (систематик бирлик)ни билдирса, «гулбўй» ва садбарг» тур (сифат)ни англатмайдими?!

Шундай қилиб, Бобурнинг ўсимлик ва ҳайвонларни системага солиш (классификация қилиш) борасидаги дастлабки уринишлари К. Линней ва ғарб систематикларидан 200—250 йил илгари бўлган, бу — ҳар қалай ўрганишга молик масала — систематика фани ва унинг тарихи учун илмий аҳамияти катта, деб ўйлаймиз. Иккинчидан, Шарқ мутафаккирларининг асарлари араблар туфайли Европага тарқатилганлиги манбаларда ёзилган. «Бобурнома» ҳам шу йўл билан К. Линней қўлига тушган бўлса ажаб эмас.

Бобурнинг систематика соҳасидаги қилган ишлари ўз вақтида ва тадқиқотчиларини кутмоқда. Бизнинг ишланишларимиз денгиздан томчи, мустақиллигимиз шарофати, ўзлигимизни англаш йўлидаги дастлабки қадам, холос.

К. ТЕШАБОЕВ,
Фарғона вилояти Риштон туманидаги А. Мўминов номли мактаб ўқитувчиси.

ИСМЛАРНИ ТЎҒРИ ТАНЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги қонуннинг 24-моддасида «...барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади» деб қайд қилинган. Дарҳақиқат, тилшуносликда атоқли отлар деб юритилувчи номлар тилимизнинг бебаҳо тарихий, маданий-маънавий бойлигидир. Ўзбек тили луғат таркибининг барча қатламлари каби номлар ҳам турли даврларда тарихий шароит ва маънавий турмушнинг талабларига кўра ривожланиб, бойиб борган. Натижада ўзбек тилида кўп асрлар давомида аста-секин таркиб топган ва шаклланган номлар жамғармаси юзага келган.

Халқ ўз тилидаги номлар жамғармаси, яъни бойлигини асрлар давомида авайлаб асраб, сақлаб келган. Лекин Шўролар даврида ўзбек тилининг турли соҳалари каби номларимиз бойлигига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, тилнинг бу луғавий бойлигини асрашга лоқайдлик билан, ҳатто, нотўғри муносабатда бўлиш ҳоллари юз берди. Бу асосан, қуйидагиларда кўринади:

Ўзбек исмларининг мажмуи сунъий равишда «замонавий» ва «эски» номларга бўлинди ҳамда чақалоққа қадимий расм-русумлар билан боғлиқ бўлган исмларни қўйиш қораланди. Масалан, Сотиболди, Топиболди, Бўрибой сингари исмлар. Номлар жамғармасидаги бир қатор исмларга шўролар мафкурасидан келиб чиқилгани ҳолда нобоп ном, «диний исм» тамғаси босилди. Масалан, Абдумавлон, Абдукарим, Худойберди, Худойқул, Хўжамурод, Хўжақул, Ҳожиқул, Авлиёқул ва бошқалар. Чақалоқни мана шундай исмлар билан атамаслик турли йўллар билан тарғиб қилинди.

Хуллас, «чиройли», «замонавий» исмлар орқасидан қувиш тилда бир гуруҳ исмларнинг ҳаддан ортиқ кўп қўйилиши ва қўлланишига олиб келди. Натижада бу номлар сийқаланиб, қадрсизланди.

Номшунослигимизнинг галдаги муҳим вазифаси юқорида қайд қилинган ҳолатларни танқидий баҳолаш, ўзбек исмларининг қадимий жамғармаси ва бойликларини тўлиқича тиклаш, авайлаб-асрашдан иборатдир.

Ниҳоят, мақсад шуки, фарзандларимизни номлашда келажакни ўйлаб иш тутган маъқул.

М. НОРҚУЛОВА,
Термиз давлат дорилфунуни ўқитувчиси.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 17.00.

Г-133. ИНДЕКС: 64595. Тираж 119179. 1 2 3 4 5 6.